



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 8-setabr №35 (4746)

Usmon Nosir tavalludinibg 110 yilligi

“АБАДИЙ ЁД ЭРУР АСЛИ АДАБИЁТИНГ...”

Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори буйича Кемерово вилоятида Усмон Носир ҳайкали ўрнатилди.

Кемерово ўлкасининг Маринск шаҳрида Усмон Носирга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид бошчилигидаги делегация таркибида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Фарҳод Тошмуҳаммадов, таниқли шоир ва таржимон Николай Ильин, уюшма фотомужбири Аҳмад Тура билан бирга Тошкентдан Новосибирск шаҳрига учдик.

Толмачёво халқаро аэропортида бизга пешвоз чиққан Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Новосибирск шаҳридаги вакили Шерзод Полвонов, Ўзбекистон Республикасининг Новосибирск шаҳридаги консулиги масъул ходими Санжар Сулаймонов ва фаол ватандошимиз Исмоил Рустамов ҳамроҳлигида тadbир ўтказилган манзилга яқин бўлган шаҳар – Кемерово томон йўлга тушдик. Шаҳарда биз тунашимиз учун тайёрланган меҳмонхонага тахминан уч юз километрлар йўл босишимиз керак.

Серкатёво ва гавжум шаҳар йўлидан катта йўлга чиққунча тун чўкди. Тез ҳаракатланишга илож йўқ, олдинда узун-узун машиналар қарвони, тошбақадек юришга мажбуримиз.

– Шаҳарлар аро йўллар яхши, – деди машинани бошқариб бораётган Санжар секин юраётганидан хижолат бўлиб, ҳамроҳларни зериктирмаслик учун гурунгда тортиди.

Шаҳардан бир амаллаб чиқиб олган Санжар “Жеер”нинг газини босди. Узоқ ўлкаларни бирлаштирувчи Сибирь автомобил йўли найдек теп-текис эди.

Биз ана шу йўлдан қатагон қурбонларидан бири бўлиб ўтган Усмон Носир босган излардан бормоқда эдик.

Қодирини, Чўлпонини, Усмонини изларман, Сибирларга кетган катта карвонини изларман...

Ёнма-ён юрганга фақат икки автомобил сизгадиган текис йўлда Сибирь тайгаларидан шаҳарга қараб келаётган юк машиналар сафи узилмайди.

Осмонга ой чиқиб турибди, бир ёни кемтик. Бир четидан синдирилган нондай, қийилган ризқдай...

Халқ эркалаб атаган дарёлар номларини йўл кўрсаткич тахталарда ўқиймиз: “Пашенка”, “Анюшка”... Павел ва Анна исмларини эркалаб, “Пашажоним”, “Аннажоним” деган. Дарёлар ҳам жонлидир



асли. Улар ернинг қон томирларининг. Сибирь ерларнинг қон томирларининг номлари қулғимизга жуда таниш эшитилди, она тилимиздаги сўзларни учратамиз: “Ача”, “Большой улус”, “Арлюк”, “Каип”, “Баим”, “Барзас”, “Юрга”, “Ояш. Балта”... Бу сўзлар русча талаффуз қилинган бўлса ҳам, қадимий туркий тилнинг ҳамон жаранглаб тургани юрагимизни тўқинлантиради.

Олис йўлда автомобил ёнилгиси қўйиш шаҳобчасида бир марта тўхтадик. Манзилга етиб келганимизда маҳаллий вақт билан соат тунги иккига яқинлашган эди.

Эртасига Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллода ва мухтор Элчиси Ботиржон Зокирович Асадов ва Ўзбекистон Республикасининг Новосибирск шаҳридаги Бош консули Темура Юсупович Раҳмонов Тошкентдан келган делегация аъзолари билан учрашиб, режалаштирилган тadbир ҳақида суҳбатлашдик.

Ушундан кейин, – деди Борис Васильевич юзларига табассум ёйилиб. Унга ўз раҳматимизни айтдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган рус ва ўзбек тилларидаги китобларни совға қилдик. Шу жараёнда шу ўлкада нашр этиладиган “Огни Кузбасса” номли адабий журнал ижодкорлари билан ҳам суҳбатлашдик. Кемероволик адиблар ҳам бизга шеърини ва насрий китобларини ва журналларини ҳада этишди. Биз асосий тadbирга шошаётган эдик. Яна икки юз чақиримча йўл юришимиз керак. Суҳбатимиз қисқа бўлса ҳам, мазмунли кечди.

Шаҳар ўртасидан оқётган дарё узра кўприқдан ўтиб, Маринск шаҳри томон кетарканмиз йўлнинг икки ёнини қоплаган қайнзорлар, қарағайзорлар ям-яшил бўлиб кўзни яшнатади. Ўткир учли учбурчак бўлиб кўкка буй чўзган қарағайлар ботир йигитлардек мағрур, елкалари кенг, гавдалари норул. Ўзбек йигитларининг “Аканг қарағай!” деб мардсиниши бежиз эмас экан.

Йўлда учраган “Золотой Китат”, “Злобинка” деган олтиндек ялтираб оқиб кетаётган дарё ва ўжар қиздек жаҳл билан жуда тез оқётган сарқаш дарё номлари толиб қўйилган.

Манзилга етиб келганимизда тумонат одам тadbирга йиғилган экан. Давлат ва жамоат ташкилотлари, элчихоналар, Ўзбекистон Ташқи меҳнат агентлиги, шунингдек маҳаллий аҳолининг турли қатлами вакиллари, Кемерово олий ўқув юрларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба-ёшлар, уша ерда ишлаётган ватандошлар меҳмонларни хурмат-эҳтиром билан кутиб олди.

Шу жойда қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган майдон ҳамда очик осмон остидаги музей худуди ўртасида Усмон Носирнинг бор бўйи билан тик турган ҳайкали ўрнатилган.

Кемерово вилояти губернатори Сергей Евгеньевич Цивилёв кириш сўзи билан тadbирни очди. “Ўзбекистон Республикасидаги делегация келганидан хурсанд бўлдик, – деди губернатор жаноблари. – Усмон Носир мана шу ердаги лагерда бўлган маҳбуслардан бири эди. У жуда ёш эди. Ўзининг афв этилишига оз муддат қолганида нобуд бўлган. Бу ўзбек ўғлини ёш бўлишига қарамасдан, маданият ва адабиёт учун жуда катта ишлар қилган. Миллий адабий алоқаларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўш-

– Бугун соат ўнда Россия Федерацияси Ёзувчилар уюшмаси Кемерово бўлими раҳбари Борис Бурмистров сизларни ўз идорасида кутади. Усмон Носир ҳайкалини ўрнатиш буйича ташкилий ишларда Борис Васильевич жуда кўп ёрдам берди, сира тиниб-тинчимасди, – деди Ботиржон Асадов.

Истеъодли шоир ва жамоат арбоби Борис Васильевич Бурмистров бизни иллик ва самимий кутиб олди.

– Худди яна ёшариб қолгандек бўлдим. Бундан қирқ йил олдин ўлкамизга келган Усмон Азим, Нодира Рашидова ва навқирон Мухаммад Юсуфни кўргандек ҳис қилдим

– деди Борис Васильевич юзларига табассум ёйилиб.

Унга ўз раҳматимизни айтдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган рус ва ўзбек тилларидаги китобларни совға қилдик. Шу жараёнда шу ўлкада нашр этиладиган “Огни Кузбасса” номли адабий журнал ижодкорлари билан ҳам суҳбатлашдик. Кемероволик адиблар ҳам бизга шеърини ва насрий китобларини ва журналларини ҳада этишди. Биз асосий тadbирга шошаётган эдик. Яна икки юз чақиримча йўл юришимиз керак. Суҳбатимиз қисқа бўлса ҳам, мазмунли кечди.

Шаҳар ўртасидан оқётган дарё узра кўприқдан ўтиб, Маринск шаҳри томон кетарканмиз йўлнинг икки ёнини қоплаган қайнзорлар, қарағайзорлар ям-яшил бўлиб кўзни яшнатади. Ўткир учли учбурчак бўлиб кўкка буй чўзган қарағайлар ботир йигитлардек мағрур, елкалари кенг, гавдалари норул. Ўзбек йигитларининг “Аканг қарағай!” деб мардсиниши бежиз эмас экан.

Йўлда учраган “Золотой Китат”, “Злобинка” деган олтиндек ялтираб оқиб кетаётган дарё ва ўжар қиздек жаҳл билан жуда тез оқётган сарқаш дарё номлари толиб қўйилган.

Манзилга етиб келганимизда тумонат одам тadbирга йиғилган экан. Давлат ва жамоат ташкилотлари, элчихоналар, Ўзбекистон Ташқи меҳнат агентлиги, шунингдек маҳаллий аҳолининг турли қатлами вакиллари, Кемерово олий ўқув юрларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба-ёшлар, уша ерда ишлаётган ватандошлар меҳмонларни хурмат-эҳтиром билан кутиб олди.

Шу жойда қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган майдон ҳамда очик осмон остидаги музей худуди ўртасида Усмон Носирнинг бор бўйи билан тик турган ҳайкали ўрнатилган.

Кемерово вилояти губернатори Сергей Евгеньевич Цивилёв кириш сўзи билан тadbирни очди. “Ўзбекистон Республикасидаги делегация келганидан хурсанд бўлдик, – деди губернатор жаноблари. – Усмон Носир мана шу ердаги лагерда бўлган маҳбуслардан бири эди. У жуда ёш эди. Ўзининг афв этилишига оз муддат қолганида нобуд бўлган. Бу ўзбек ўғлини ёш бўлишига қарамасдан, маданият ва адабиёт учун жуда катта ишлар қилган. Миллий адабий алоқаларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўш-

ган. Бизнинг халқларимизни бирлаштирувчи эзгу аъналар кўп. Қатагон қурбонлари тарихи – бизнинг буюк ва айни пайтда қайғули тарихимиз. Бугун Маринскда барпо этилган Усмон Носир ҳайкали ўша тарихни эслаб, нурли келажак ва тинч ҳаёт учун баҳамжihat ҳаракат қилишга ундаб турувчи тимсол бўлиб қолади”.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллода ва мухтор Элчиси Ботиржон Зокирович Асадов Усмон Носир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилиб, ушбу тadbирнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси буйича Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот бериб, Маринск шаҳрида Усмон Носир ҳайкалини бунёд этишда иштирок этган ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият раҳбарлари, ташкилотчилар ва ижодкорларга миннатдорлик билдирди. Айниқса, Усмон Носир ҳайкали ижодкори – рус ҳайкалтароши Константин Мелатдинович Зиничга алоҳида раҳмат айтиб, уни яқин кунларда ўзбекистонлик адиблар номидан Тошкентга тақдир этишни маълум қилди. Сўнгра шу ўлкада олий ўқув юрларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларга Ватан ҳақидаги шеърини ўқиб берди.

Дил пораси, кўз қораси сен ўзингдирсан, Менинг кўнглим сен аслида, сен кўзимдирсан. Томиримда томир ёйган илк сўзимдирсан, Илк оғригим, илк ёмғирим, найсоним, Ватан.

Не тонг эди – изғиринлар захрини тотдинг, Дастурхонда музтар қолди қанду наботинг. Шаҳидларнинг руҳларидир ҳар бир работинг, Абадий ёд эрур асли адабиётинг, Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам Усмоним, Ватан.



Расул ҲАМЗАТОВ

ОНА ТИЛИМ

Ҳамиша тушимга кирар ҳар бало, Бу тун ўлган куним кўрибман аён. Доғистон жазира водийси аро Кўксимдан ўқ тешиб, ётибман бежон.

Ёнгинамда жилға оқар жўш уриб, Ҳеч кимни ўртамас менинг фиригим. Ўйлабман, тупроққа айланмай туриб, Маҳкамроқ кучайин она тупроғим.

Мен ўлиб ётибман, билмайди ҳеч зот, Ҳеч зог жасадимга келмайди яқин. Қайдадир бургутлар чекади фарёд, Қайдадир кийиклар инграйди ҳазин.

Тепамда ҳеч киши йиғламайди зор, Бевакт кетди дея, эсга олмайди. Қошимда на онам, на дўст-ёрим бор, Ҳаттоки йиғичи чуввос солмайди.

Мен ўлиб ётибман, ётибман бежон, Кимлардир келмоқда водий йўлида. Сўзлар қулғимга чалинар шу он, Улар гаплашмоқда авар тилида.

Доғистон жазира водийси аро, Мен ўлиб ётибман, одамлар бўлса, Сўзлашар: Али қув, гапга жа бало, Ҳасан ҳам аямас ким тўғри келса.

Она тилимдаги сўзларни элас Эшитган дам кирди жасадимга жон. Ва билдимки, менга табиблар эмас, Фақат она тилим бағишлар дармон.

Кимгадир ўзга тил дармон муқаррар, Мен у тилда қўшиқ қуйлашим гумон. Эртан она тилим йўқолса агар, Мен бугун тайёрман бўлишга қурбон.

Айтсалар ҳам авар тили камбағал, Менга она тилим суюқдан суюқ. Катта минбарларда тегмаса ҳам гал, Менга она тилим буюқдан буюқ.

Наҳот, Ошиқ Маҳмуд оташ шеърини Таржимада ўқир аварлик авлод?! Наҳот, авар тилга берган меҳрини Сўнги шоирлардан бириман, наҳот?!

Шукрки, мен борман ҳаёт йўлида, Мамлакатим бўйлаб ошуфта кездим. Идроким етганча авар тилида Ҳаёт ва юртимнинг васфини ёздим.

Юртим – Болтиқдан то Сахалин қадар, Шу юртга фидоман, билиб қўйинглар: Қайда юртим учун жон берсам агар, Доғистонга олиб келиб кўминглар.

Рухим шоддир, гоҳо йўловчи, авар Шу жойдан ўтганда номим ёдласа. Бир қур тош лавҳага ташласа назар: Бунда ётар Расул Ҳамзат Цадаса.

Асрор МҮМИН таржимаси

ҚАЛБИМ КАЪБАСИ БИТИКЛАРИ

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг кўнгли кечинмалари

Ижодий қобилият Худо томонидан берилади. Албатта, “Бу нарса менга Худодан берилган”, деб меҳнат қилмасдан, ўз устингизда ишлаганча юрсангиз, бу бебаҳо инъом иш бермайди. “Сендан ҳаракат, мenden баракат” дегандай, ишлаш керак.



Ҳар бир одам, аввало, раво гапиришга ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун кўпроқ китоб ўқиш, илож бўлса, овоз чиқариб ўқиш керак. Илгари мактабда ифодали ўқиш дарси бўларди. Худди пьесадаги ролларни ўйнаб-ўйнаб ўқигандай-да. Мана шунга ўхшаган машқларни бажариш, албатта, зарур. Шу билан бирга Худо берган истеъод бўлмаса, натижа сиз ўйлагандай, сиз кутгандай бўлмайди. Лекин, барибир, ҳар бир ютуқнинг тагида меҳнат ётади. Бир пайтлар бир олим айтганидай инсонни меҳнат ярат-

ган эмас, назаримда, инсон меҳнат учун яралган. Меҳнат деганда, албатта, фақат кетмонни олиб ер чопишни назарда тутмайман. У, аввало, маънавий, руҳий меҳнат. Хусусан, нотиклик санъати ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада машқ катта роль ўйнайди. Лекин тўтиқушга ўхшаб қолмаслик учун миёда ҳам шунга яраша билим, маънили тафаккур “юк”и бўлиши керак. Чунки овоз тафаккурингиздаги бор нарсани “сотиб” қўяди. Сўзлай бошлашингиз билан тингловчи ўша заҳоти савиянгизни, фикрлаш даражангизни, ди-

дингизни англайди. Овознинг ана шундай хусусиятлари бор.

Сўз эгасини топиши учун сўз айтётган одам унинг маъносини, таъсирини идроклаб ифода этиши шарт. Агар бирор-бир сўзни мен юрагимдан, аклимдан ўтказиб айтмасам, тингловчи таъсир қилмайди. Биров ёзган сўзни ўзингизникидек қилиб етказишингиз керак. Сўзни аниқ-тиник етказишингиз асосий омили – тафаккур ва қалб-кўнгли уйғунлиги.



Мана, ўқувчилар интиқиб кутган “Билимлар кунин”ям келди. Мактаб остонасига қадам қўяр эканман, ширин энтиқиб билан жилмаяман. Бола эканман-да, “парта” деса, нуқул кўз олдимга парда келарди. “Мабодо устоз урмоқчи бўлса, парда орқасига бекинаман”, деб ўйлардим. Мих билан ерга бир нималар ёзиб, ўзимча савод чиқармоқчи бўлардим. Гўё мактабга бормай, устозсиз ҳам ўқиш-ёзишни ўрганиши мумкиндек. 1-синфга боргач, “2”ни ёзолмай йиғлаб юборганман: думи гажак эди-да, қурмагурнинг. Мана, шундан бериям орадан қирқ қовун пишиги ўтди. Ватан Мустақиллиги, таълим ислохотлари... эҳ-ҳе, не бир сувлар оқиб кетмади, дейсиз.



ГОЛИБ БЎЛГИНГ КЕЛАДИ

Кўз очиб-юмгунча мактабни битирдик, талаба бўлдик. Ўқиган йилларимга ўгирилиб қарасам, худди катта отам: “Сартарош борки, соч олишини сенинг бошингда ўрганди-я?!” деярди-деярди бўлаверди. Дарҳақиқат, бизнинг давримизга келиб, 10 йиллик мактаб 11 йиллик бўлди. Лицейю коллежлар, бакалаврият магистратуранинг илк қалдирғочлари бўлиш ҳам бизнинг авлодга насиб этди. Ислохотлар, ўзгаришлар... ҳаёт давом этаверди. Ёшларнинг онги ўзгарди. Не бир йигитлар ўқитувчининг бо-

ласи, туғма педагог бўла туриб, ота касбини ташламади. Уйда ҳам, мактабда ҳам таълим-тарбия аёллар қўлида қолди. Бора-бора ўқитувчиларнинг мактабни, ойкил маошларини кўтариши, уларга минг долларгача иш хақи тўлаш масалалари кун тартибига чиқди. Кимдир суюнди, кимдир... эртатка йўйди. “Қани, қайси ўқитувчи минг доллар маош олибди? Ойлигимиз икки юз доллардан ошмайди-ку?!” деганларни ҳам кўрдик. Аслида-чи?!



Adabiy do‘stlik – abadiy do‘stlik

Хўжагелди КУЛТЕГИН,
Қирғиз халқ шоири



ОЙЖАМОЛ

Кечанг Ойди, кундузинг Куёш,
Югуради юрагим бедор.
Сен яшаган ерда, қаламқош,
Юрганимдан менинг бахтим бор.

Хамиша қилганман сабр-тоқат,
Кимлар устимдан кулса ҳам.
Ох, нақадар ёқимли фақат,
Қош чимириб бокканинг, санам.

Ноз қилиб юрарсан, нега ер
Сени кўтариб қочмас, хайхот.
Кўнглингни ҳеч оғритмай дер,
Сени ҳамма айлар эҳтиёт.

Ширинсан, ох, ухлаб ётганда,
Боксам, юракларим ўртанар.
Фаришта музқаймоқ тотгандек
Лабларинг бир ширин тамшанар.

Осмонларда учгай ҳаёлинг,
Ерда қалбга гавго соларсан.
Ҳеч шубҳасиз ҳусни жамолинг
Кўзларимда қўриб қоларсан.

Кечанг Ойди, кундузинг Куёш,
Югуради юрагим бедор.
Сен яшаган ерда, қаламқош,
Юрганимдан менинг бахтим бор.

ОЛИСДАСАН

Юрагимга ютаман-да... ўқинаман,
Ва айтаман дардли-дардли газалларни.
Мендан жуда олисларда бўлганимда
Ёқтирмайман ёнимдаги гўзалларни.

Узоқ жойлар бари менга ўру кирдир,
Гўё паства эгиб бошин ўқийди шеър.
Ва тескари қўйилган бир соат каби
Сир яширар, дунёда энг қимматли – сир.

Йирокман-у, мастман сочинг ифоридан,
Йирокман-у, ҳаёлимда дудокларинг.
Яширсанг ҳам кўрпачангнинг орасига,
Кўринади менга харир пайпоқларинг.

ТИЛАК

Қоғоз билан қалам каби маслағи бир,
Олиб келган хазинаси – маблагги бир,
Қўл-оёғи йўлдош икки ёшни, бироқ
Қўймайди сўқир турмуш оксатиб, ох.

Кўр – турмуш не? У қаккайган икки жон-тан,
Кўкни, окни ва қорани аямаган,
Икки оёқ ясаб олиб эр-хотиндан,
Нима бўлса шуни тепган, тепалаган.

Тириқчилик деб суришиб йиқилса ким,
Турмуш деган уни эзиб енга бошлар.
Оёқларинг бир юк тортиб турса доим,
Бир-бирига бефарқ, лоқайд бўла бошлар.

Ҳаёт-турмуш икковига йўл берсайкан,
Оёқ эмас, елкасида ўйнолсайкан –
Яшай олган ҳамда яна яшай билган,
Меҳрибон, жафоқаш қўл бўлсайкан.

ЎЙЛАГАЙСИЗ
БУ ДУНЁНИНГ КАМИНИ

Чингиз Айтматовга

О, Сиз каби тошбағир инсон бўлмас,
Аямайсиз китобхоннинг юрагин,
Шунақа ҳам ёзасизми дард-ғамни?!
Ҳой, бас қилинг, тўхтаг, ахир, бешафқат.
Яраларин тирнаб, тилиб одамнинг,
Мадалларин ёриб ташлаб юракнинг
Бу дунёни даволашни истайсиз.
О, Сиз каби саховатли инсон йўқ,
О, Сиз каби қароматли инсон йўқ.

Ёзганингиз ҳақиқат, ҳам афсона,
Юлдуз мисол порлаб турибди, ана,
Сиз кашф этган рост сўз ҳақиқат бўлиб.
Қиёфанингиз жаҳоннинг кўз ўнгиди.
Сўзингиздан турибди нур ёғилиб,
Қадимдаги эртақ қаҳрамонидек
Бир асрингиз таггайдир бир кунга,
Бир кунингиз таггайдир бир асрга.

Сиз дунёни кашф этганда илк бора
Дунё сизни кашф этган каби гўё,
Сиз дунёдан хайратланганда илк бор
Сиздан хайратланди чиндан бу дунё.
Сиз дунёни меҳр билан сийлайсиз,
Ҳамдардиқдир ёзувчининг матлаби,
Инсоният орзусини қуйлайсиз,
Оёқларинг бир юк тортиб турса доим,
Бу дунёнинг келажани ўйлайсиз.

ЎШ

Уч мингга қирган ўткир шаҳар,
Севгим изҳор этдим сахар.
Ёнори билан ёнгим бор,
Анори билан унгим бор.

Йигит-қизлар қўл ушлашиб,
Ок-Бура оқар ишки тошиб.
Ким чикса Тахти Сулаймон,
Юзга чикқандай беармон.

Тоғсиз шаҳарда армон бор,
Тоғли шаҳарда унвон бор.
Ажралмасдир Қирғиздан Ўш,
Қирғиздай дўст-қадрдон бор.

Нақадар буюқ тоғлари,
Нақадар сахий боғлари.
Меваси мўл боғдай эл
Эгилиб қўришган чоғлари.

Айланиб Ўшнинг бозорин,
Кечдим асрлар гузарин.
Қовун қирғиз тон хидидан
Ҳис этдим жаннат хабарин.

Дўстга дўстни хеш кўрдим,
Қардошлиқни хуш кўрдим.
Шаҳардан тоққа учган
Гала-гала куш кўрдим.

Йигит-қизлар қўл ушлашиб,
Ок-Бура оқар ишки тошиб.
Ким чикса Тахти Сулаймон,
Юзга чикқандай беармон.

Қирғиз тилидан ўзбек тилига
Ғайрат МАЖИД ўғирди.

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



ТУҒИЛГАН ЖОЙНИ ҲАМ
ТОПГАН

Анна Ахматова баъзида ўзи ҳақида тарихий ҳақиқатга зид маълумотлар ҳам берган. У таржи-ман ҳолида ўзини Ленинградда туғилганман, деб ёзади. Гап шундаки, император даврида Ленинград Санкт-Петербург деб аталган. Анна Ахматова эса, аслида Одессада туғилган. Эҳтимол, пойтахтда туғил-ши шоира учун муҳимроқ туғилган. Анна Горен-ко(бўлажак Ахматова)нинг туғилган жойи ҳужжат-ларда қайд этилган, албатта. Аммо у шоира сифатида чиндан ҳам шимолий пойтахтда туғилган эди.

ҚОБИЛЯТЛИ ҚИЗ

Анна (ҳозирча Горенко, Ахматова эмас) болали-гида бир гимназиядан бошқасига кўчиб ўқиб, гума-нитар фанларга бўлган қобилиятини намойён этарди. Ўзининг ёшлиғида, бўлажак шоира Лев Николаевич Толстой ихтиро этган алифбони ҳам ўрганиб, бема-лол ўқий олган.

Анна кичкинтойлигида ўзидан катта болаларга ўтилган дарсларга кириб, француз тилини яхшигина ўрганиб олган.

ПУШКИННИНГ ЧИЛТОРИ

Анна Ахматова ўсмирлигини Царское селода ўт-казди ва бир кун боғни сайр қилиб юрганда чил-тор шаклидаги кимматбаҳо игнатумга топиб олади. У лирани умрининг охиригача асраб юради ва буни А.С.Пушкин тушириб қўйганига ишонади.

ҚАСДАН ТУРМУШГА ЧИҚҚАН

Ахматованинг биринчи турмуш ўртоғи, ўзи бир неча бор рад этган Николай Гумилев эди. Чунки кизнинг бошқа йигитга бўлган оташин муҳаббати жавобсиз қолган. Шунда Анна Гумилевга турмушга чиқшига розилик берди.

Икки шоир никоҳи ғалати бўлади – шоира Гу-милевни севмаслигини яшириб ўтирмайди, балки тақдир буюргани шу, деб билади. Гумилевнинг ота-онаси бу никоҳ яхшилиқ билан тугамайди, дейиша-ди. Одатдаги анъаналарга кўра, улар ҳақ эдилар. Улар расмий равишда кейинроқ ажралишган бўлса-да, Анна ва Николайнинг муносабатлари бундан анча ав-вал ниҳоясига етганди. Ҳатто ўртада ўғил туғилиши ҳам оилани сақлаб қолмади. Бунга Ахматова Гуми-левни айбдор деб билади.

МОДИЛЬЯНИ ҚАСОС ЎРНИДА

Николай Степанович садақатли эр бўлмай, Ахма-товада рашк ва ранжиш туйғуларини оловлантиради. Эрдан қасд олиш учун Ахматова Парижда расом ва хайкалтарош Амадео Модильяни билан ишқий саргузаштлар қилади. Хайкалтарош хали дунёвий шон-шухратга эришмаган эди. У Аннанинг суратла-рини чизар ва унга ишқий мактублар ёзарди. Эрининг Мария Кузьмина билан ишқий саргузаштларидан ха-бар топган Анна ўзига Модильяни ёзган хатлардан Николай ҳам хабардор бўлишини истайди. Албатта, Николай ҳам хотинининг ишқий саргузаштларини билгач, рашк оловиди ёнган бўлиши керак.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

У большевиклар қамокка ташлаган эри ва ўғли-нинг озод қилинишини сўраб Сталин билан учраш-ган. Уларни тергов жараёнида бир-бирига, ҳатто Анна Ахматовага ҳам тухмат қилишга мажбур қи-лишган. Шоирани ҳам турмага ташламоқчи бўлган қатагончилар кейинчалик бу фикрдан қайтишди. Ахматованинг яқин дугонаси ёзувчи Софья Островская аслида НКВД томонидан тайинланган, унинг ортига тушган айдоқчи эди. Шўролар унинг барча яқинларини қатагон қилган. Анна Ахматованинг биринчи эри Николай Гумилев отувга ҳукм қилинган, ёлғиз ўғли Лев умрининг ўн йилдан зиёдини турли қамок лагерларда ўтказди. Учинчи эри Николай Пунин бир неча марта қамалади ва оқибатда қамокда вафот этади. Унинг сўнгги шеърлар тўплами 1925 йили чоп этилган. Шундан сўнг шўро ҳукумати унинг “қўпо-рувчи ва шўроларга қарши” ижодини тарғиб этишга таъқиқ қўяди. Айрим асарлари вафотидан сўнг йил-лар ўтгач нашр қилинган.

Bolalar bekati

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шукрулло Абдуллаев 1953 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Кўп йиллар тележурналист сифатида фаолият юритган. “Тонг юлдузи”, “Гулхан”, “Ғунча” каби болалар нашрларида унинг эртақ ва ҳикоялари тез-тез чиқиб туради. Ижодидан айрим намуналар мактаб дарслик-ларига ҳам киритилган. Шу пайтгача “Қапалаклар водийси”, “Архарлар йўлбошчиси”, “Чақмоқ ва қўён”, “Тонгни қутлаб” номли насрий китоблари чоп этилган. Уларда болаларнинг ўзига хос олами, орзу-ўйлари ёрқин тасвир ва образларда акс этади. Адибни етмиш ёши билан қутлаймиз.

Болакай табиат шайдоси экан. Айниқса, ифорлари ҳар томон сочилиб, бир-бирдан гўзал, ранг-баранг бўлиб очилиб турган гулларни кўрганда, беихти-ёр яйраб, қувониб, баҳри дили очилиб кетаркан. Гуллар – ўзида нафосат, гўзаллик ва бегуборлик-ни бирлаштирган она заминнинг бир бўлаги, деб биларкан болакай. У гўзаллик яратишга, оламга эзгулик ула-шишга орзуманд экан.

Кунлардан бирида у ўзи-га-ўзи дебди:
– Мана шу тувакча бекор турибди. Шунга гул уруғи-ни экаман, уни парварши-киламан. Гўзал бўлиб очил-са, уйимиз кўрқига кўрк қўшилади. Ота-онам ҳам бундан хурсанд бўлишди.
Шундай дея болакай гулчиликни бошлаб юбо-рибди. Тувакни яхшилаб тозалаб, унга томорқасида-ги унумдор тупроқдан солибди. Ўзи яхши кўрган гул уруғини синфдоши Нафисалар-ниқидан олиб келибди ва тувакка экибди. Ҳар кун сув қўйиб, оз-оз микдорда ўғит солибди.
Орадан бир неча кун ўтибди. Тувакда олов рангли нафис гул воёга етибди. У шу қадар гўзал эдики, барчанинг хавасини келти-рар, ёқимли хиди ҳатто бемор-ларни ҳам соғайтириб юборар-ди. Буни кўрган отаси ўғлининг

елкасига қоқиб, “Балли, ўғлим!” дебди. Онаси эса:

– Сенга катта раҳмат, кў-лингдан иш келадиган катта бола бўлиб қолибсан, ўғлим, – дея миннатдорлик билдирибди.

Болакай ота-онасининг олқи-шидан руҳланибди. Энди унинг қалбиди гул ўстиришга ҳавас



янада ортибди. Чунки ўстирган гулининг ёнидан яна янги гулча-лар ўсиб чиқиб, тувакка сиғмай қолибди. Гўё жажжи гунчалар болакайга қараб: “Қани, бизларга ҳам имкон бер. Ўсайлик, унай-лик, чаманга айланайлик,” дея-ётгандек туюлибди.

Болакай яна қўлига белку-ракчасини олибди. Ҳовлисида-ги экиндан бўшаган кичик бир

ерни танлаб, шу ерга тувакдаги гуллардан экибди. Ёнига яна янги гул қўчатларидан қўшибди. Ниҳоллар кўкка буй чўзаркан, боланинг ҳам меҳри ошиб бо-раверибди. Энди унинг ҳаёли гул билан банд бўлибди. Бўш вақтларида расм дафтарида ҳам гулларнинг расмини чиза бош-лабди. Ҳатто тушларида ҳам ранг-баранг гўзал гуллар билан сўхбатлашармиш. Бир неча кун ўтиб, ховлининг бир бурчагида кичик бир чаманзор бунёд бў-либди. Ота-онаси бу ерга келиб, хайратда қолишибди. Ёш боғ-боннинг эккан гуллари қизил, кўк, пушти, бинафша рангларда товланиб, барчанинг хавасини келтирибди.

Ота-онасининг хурсандлиги-ни кўриб қувонган бола дадаси-дан сўрабди.

ДУНЁНИ ГУЛЛАРГА БУРКАЙМАН

– Дадажон, майлими, бутун ховлимизга гул экиб, уни чаманзорга айлантир-сам?

– Сени мен бугундан ҳақиқий боғбон, деб атаيمان ва албатта, сенга ишонаман. Сен буни ундайламан. Бор маҳоратингни ишга сол, биз ҳам сенга ёрдам берамиз, – ўғлини руҳлантдирибди да-даси.

– Сенинг гулларинг очилгандан сўнг биринчи кўнгирак учун гулдаста ясаймиз ва устозларингга тухфа қиламиз, – қўл-лаб-қувватлабди онаси.

– Ойижон, мен ҳам боғча опамга шу гуллардан олиб бо-раманми?! – дебди жажжи синг-лиси Райҳона.

– Ҳа, албатта, сенга ўзим гул-даста ясаб бераман, – болакай синглисини руҳлантдирибди.

Шундай қилиб, меҳнатсевар болакай бор кучини ишга солиб, ховлисини гулзорга айлантдири-шга киришибди. Бунда унга баъзан

отаси, баъзан онаси ёрдам бериб-ди. Жажжи синглиси Райҳона ҳам қўлига челақчасини олиб, гулла-рга сув қўйибди. Орадан бир неча кун ўтгач, болакай ўз ваъдасининг устидан чиқибди. У айтганидек, ховлиси гулларга бурканиб, чи-накамга чаманзорга айланибди. Бири бирдан ифорли гуллар ча-ман бўлиб очилибди. Бу ерда атир-гул, райҳон, жамбил дейсизми, барчасидан бор экан. Ушбу чаман-зорда капалаклару асаларилар гул-дан гулга қўниб, яйрашаркан.

Гулзорга айланган ховлини кўрган кўни-қўшнилари ҳам хай-рон қолибди. Ҳатто қўшни киза-лоқлар ҳам билимлар кунига гул-ларни болакайнинг гулзоридан олиб кетибди...

Бир кун ёш боғбон кўли-га белкуракчасини олиб, кўчага чиқибди ва ариқ бўйини чопа



солибди. Ҳатто болалар ва киз-залоқлар ушбу чаманзор олдида суратга туша бошлашибди. Бир кун болакай не кўз билан кўр-синки, ўзининг гулзори ёнида ке-лин-куёвлар сайр қилиб юришган экан. Бундан болакай, унинг синг-лиси ва ота-онаси, ҳатто бекорчи болалар ҳам хурсанд бўлибди.

Орадан кунлар ўтибди... Одамлар гулчи болакайни бир қўлида белкуракчаси, бир қў-лида эса даста гуллар билан қаёққадир кетаётганини кўри-шибди.

– Қаёққа йўл олдинг – ки-зикиб сўрашди ундан.

– Дунёни гулларга буркайман, – жавоб берибди болакай кўзла-рида шижоат порлаб.

Ҳа, бу сафар ҳеч ким унинг устидан қулмабди. Нега дейсиз-ми? Чунки у энди ўз орзуларини амалга оширишни ўрганиб олган эди-да. Чунки у ўз хонаси, хов-лиси, кўчасини гулларга буркаб, бу эзгу иши билан одамларнинг қалбини эзгулик нурига тўлдир-ган эди.

Орзу-умидларининг амалга ошиши учун астойдил меҳнат қилган инсон, албатта, ўзининг эзгу мақсадига эришади.

Энди одамлар болакайнинг дунёни гулларга буркашига чин дилдан ишонишибди.

Шукрулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон adabiyoti va san'ati



Манзилимиз: Тошкент-100066,
Бунёкдор кўчаси, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:

ЎЗБЕКISTON

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир
ҲУМОЮН АҚБАРОВ

Тахририятга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир ШУХРАТ АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1107. Буюртма Г - 938.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюқ Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X

